

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТЮСУПОВ БУНЁДБЕК УЛУҒБЕКОВИЧ

**ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЭНДОГЕН ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ
ШАХС ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИРИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(маданият фалсафаси ва маданиятшунослик)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Маматюсупов Бунёдбек Улуғбекович

Хуқуқий маданият эндоген хусусиятларининг шахс ижтимоий фаоллигига таъсири 3

Маматюсупов Бунёдбек Улуғбекович

Влияние эндогенных особенностей правовой культуры на социальную активность личности 19

Mamatyusupov Bunyodbek Ulug`bekovich

Influence of endogenous features of legal culture on social activity of a person 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТЮСУПОВ БУНЁДБЕК УЛУҒБЕКОВИЧ

**ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЭНДОГЕН ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ
ШАХС ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИРИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(маданият фалсафаси ва маданиятшунослик)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PHD/Fal81 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурматова Мукарам Ахмедовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухтаров Азамат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Бердикулов Сирожжон Насипкулович
фалсафа фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.) Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Хўжамуродов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Б.Абдуллаева,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., доцент

Н.А.Шермухамедова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугун жаҳонда кечаётган мураккаб ўзгаришлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунийликни таъминлашни тақозо этмоқда. Шу боис ривожланган мамлакатларда ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий фаолият жараёнида ҳуқуқий маданиятни ўзида шакллантириш шахс фаолиятининг асосий мезонига айланди. Дунёнинг ривожланган ҳудудларида (Ғарбий Европа, Америка Қўшма Штатлари, Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатларда) инсон ҳуқуқларини таъминлаш давлатнинг энг устувор вазифасига айланди.

Жаҳонда бир қанча илмий тадқиқот институтлари UNRISD (Ижтимоий тараққиёт илмий тадқиқот институти), ERIS (Европа тадқиқот институти) инсониятнинг ҳуқуқий маданият даражасини мониторинг қилиш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги, ҳуқуқий маданият механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бормоқда. Ушбу тадқиқотлар ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мезонларини ишлаб чиқиш, унинг шахс ижтимоий ва инновацион фаоллигига таъсирини ўрганиш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумжаҳон андозаларини яратишда илмий-назарий ҳамда методологик асос вазифасини бажармоқда.

«Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди»¹. Шу билан биргаликда, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида янги тизим шакллантирилди, бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси ўзига хос демократик институт сифатида ўзини оқламоқда. Шунингдек, ҳуқуқий маърифатни қарор топтириш мақсадида Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ташкил этилди. Бугунги кун ислоҳотлари ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётганлиги фуқаролик жамиятининг энг муҳим кўрсаткичларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сонли Фармон, 2017 йил 12 апрелдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2883-сонли Қарор, 2017 йил 14

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Тошкент: Адолат, 2017. 3-б.

мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли Қарор, 2017 йил 7 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5415-сонли Фармон ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғарб файласуфлари Сукрот, Афлотун, Арасту, Демокрит, Цицерон, Гегель, Иммануил Кант, Джон Локк, Шарль Луи Монтескье, Жан Жак Руссо асарларида мавзуга доир илмий мунозаралар учрайди.³ Ушбу қарашларда ҳуқуқий маданият сиёсий адолатни ўзида мужассамлаштириб, одамлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар нормаси бўлиб хизмат қилиши ҳамда адолат мезонлари асосида шаклланишига урғу берилади.

Француз маърифатпарвари Жан Жак Руссо ҳуқуқий маданият ва қонунлар тўғрисидаги илмий ёндашувни илгари сурган. У эркинлик ва тенглик инсон ҳуқуқий маданияти юксалишининг асосий шарти деб баҳолайди. «Худди шу сабабли вазият тақозоси ҳар доим тенгликни йўқ қилишга интилади, қонунлар кучи эса ҳар доим уни сақлаб туришга интилиши керак»⁴.

Шарқнинг йирик мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Мусо Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Мирзо Бедил, Маҳтумқули, Абай, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Аҳмад Дониш кабилар ҳуқуқ, адолат, қонунга итоаткорлик масалаларига алоҳида тўхталганлар.⁵

Ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқшунослик соҳасига оид жиҳатлари мамлакатимизнинг ҳуқуқшунос олимлари: А.А.Азизходжаев, С.М.Адилходжаева, Ҳ.Б.Бобоев, Ш.И.Жалилов, З.М.Исломов, Ҳ.Т.Одилқориев, А.Х.Саидов, У.Таджиханов, О.Т.Хусанов ва бошқалар томонидан;⁶ фалсафа илмига оид жиҳатлари мамлакатимиз файласуф олимлари А.Жалолов, О.П.Умрзоқова, Х.О.Шайхова, Ҳ.П.Пўлатов,

^{3 4 5 6 7} Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида кўрсатилган.

Б.О.Тўраев, Э.Ю.Осупов, Ж.Туленов, М.Нурматова, А.Қ.Қодиров, С.Д.Норқулов, Ф.Мусаев, Ж.Мавлоновлар томонидан таҳлил этилган⁷.

Ҳуқуқий-фалсафий жиҳатларига оид назарий масалалар хорижий давлатлар ҳуқуқшунос ва файласуфлари, хусусан, МДХ олимлари С.С.Алексеев, В.Г.Афанасьев, Д.А.Керимов, Н.И.Матузов, А.М.Васильев, В.В.Лазерев, Н.Неновски, В.Кнапп ва бошқаларнинг илмий асарларида ўз аксини топган, лекин унинг шахс ижтимоий фаоллигини оширишга таъсири масаласи етарли даражада ўрганилмаган. Тадқиқотда ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий фаоллик юксалишига таъсири асосий вазифа сифатида ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишларирежасининг «Марказий Осиё халқлари маънавий, маданий, диний қадриятлари ва ҳозирги замон» мавзуси ҳамда № А-1-85+(1-159) «Таълимда менежмент ва маркетингнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ишлаб чиқиш ва миллий маданиятни умуминсоний маданият билан уйғунлаштиришга оид услубий қўлланма тайёрлаш» мавзусидаги амалий грант доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳуқуқий маданиятнинг эндоген хусусиятларини шахс ижтимоий фаоллигига таъсирини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«ҳуқуқий маданият» тушунчаси ва унинг фалсафий моҳиятини тадқиқ этиш;

ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиш динамикасини очиб бериш;

ҳуқуқдаги эндоген инновациялар, унинг намоён бўлиш шакллари ва функциялари тўғрисидаги замонавий изланишларни такомиллаштириш;

шахснинг ижтимоий фаоллиги, унинг ривожланиш даражалари, меъёрлари, типлари ва юксалтириш йўллари аниқлаш;

шахс ижтимоий фаоллиги тузилмасидаги ўзгаришларни очиб бериш;

миллий таракқиётда ҳуқуқий маданият ва шахс ижтимоий фаоллиги интеграциясининг янги йўналишларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объектини ҳуқуқий маданият ва унинг эндоген хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ҳуқуқий маданият эндоген хусусиятларининг шахс ижтимоий фаоллигида намоён бўлиш шакллари билан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, кузатув, интервью каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шахсда ҳуқуқий маданият шаклланишининг эндоген хусусиятлари (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий), ҳуқуқий маданиятнинг

ривожланиш динамикаси очиб берилган;

деактивлик ва фаолликнинг шахс ижтимоийлашувида намоён бўлиши тавсифланиб, деактивлик мослашувчанлик функцияларни бажариши, фаоллик эса вазиятни назорат қилишга қаратилганлиги очиб берилган;

ҳуқуқий маданият тузилмаси моделларининг *генетик* (ҳуқуқий маданиятнинг жамият тузилмалари билан муносабати), *функционал* (ҳуқуқий маданият элементлари ўртасидаги функционал алоқалар), *мантиқий* (ҳуқуқий маданият тузилмаларининг мазмунан ҳамда шаклан мутаносиблиги), *психологик* (ҳуқуқий муносабатларда юзага келадиган фикрлаш фаолиятининг таҳлилий, интуитивлиги) жиҳатлари фалсафий жиҳатдан такомиллаштирилган;

ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг прогрессив, регрессив ва гносеологик омиллари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

ҳуқуқий таълим ва тарбияни ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали шахс ижтимоий фаоллигини ошириш механизмлари ишлаб чиқилган;

ҳуқуқий маданиятнинг эндоген хусусиятлари, ҳуқуқий тафаккур ҳамда ҳуқуқий тарғиботни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган сўровнома натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган фалсафий ғоялардан, умумлаштирилган илмий хулосалардан маданиятшунослик бўйича ўтказиладиган фалсафий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқотнинг илмий хулосаларидан фалсафа, маданиятшунослик, ҳуқуқшунослик фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган амалий таклиф-тавсиялардан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, шунингдек, тегишли ташкилотлар фаолиятида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳуқуқий маданият эндоген хусусиятларининг шахс ижтимоий фаоллигига таъсири бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар асосида:

шахсда ҳуқуқий маданият шаклланишининг эндоген хусусиятлари (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий) ва ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиш динамикасига доир таклиф ва тавсиялардан «Ахлоқий ва эстетик маданият» номли ўқув қўлланмасининг «Ахлоқий-эстетик

маданиятнинг бошқа маданият шакллари билан ўзаро муносабати», «Ахлоқий эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари», «Анъанавий тарбия усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари» ҳамда «Ахлоқий-эстетик маданиятни ривожлантиришда оила, маҳалла, жамоатчиликнинг роли» мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 апрелдаги 89-03-1359 сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу қўлланма орқали ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро интеграцияси, шахс ахлоқий маданиятининг юксалишида ижтимоий фаолликнинг аҳамияти билан боғлиқ масалаларни талабаларга етказиш имкони пайдо бўлди;

шахс инновацион фаоллигининг мезонлари ҳамда ҳуқуқий маданият тузилмаси моделларининг генетик, функционал, мантикий ва психологик тузилмаларига доир таклифлардан ЁА-1-18 - «Глобаллашув шароитида миллий ўзликни сақлаш муаммосини ҳал этишда ижтимоий ва маънавий-мафкуравий тарғибот технологияларининг аҳамияти» мавзусидаги ёшлар амалий лойиҳаси доирасида чоп этилган «Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт эволюцияси ва ёшлар тарбияси» номли монографиянинг «Глобаллашув шароитида маънавият ва маънавий инқирознинг ўзаро алоқадорликда акс этиши», «Демократик тараққиёт ва маънавий қадриятларнинг ўзгариши» ҳамда «Глобал ўзгаришлар шароитида жамиятнинг маънавий тараққиёт йўли ва унинг ўзига хос йўналишлари» мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 апрелдаги 89-03-1359 сонли маълумотномаси). Шу боис, ушбу амалий лойиҳа доирасида олинган маълумотлар ҳуқуқий маданият ва шахс фаоллиги билан боғлиқ маълумотлар билан бойитилди;

ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг прогрессив, регрессив, гносеологик омиллари ҳамда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш механизмларига оид таклиф-тавсиялардан «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» ассоциация томонидан бажарилган «Ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш» мавзусидаги халқаро амалий грантда фойдаланилган (Ассоциациянинг 2018 йил 12 апрелдаги 47-И сонли маълумотномаси). Шунингдек, «SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари» ассоциациянинг йиллик вазифаларини бажаришда, ўтказилган тадбир ва семинарларда, ҳуқуқий маданият билан боғлиқ тадқиқотлар янги маълумотлар билан бойитилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (7 та республика ва 1 та хорижий журналда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазибалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Замонавий дунёда тараққиётга эришаётган мамлакатларнинг ижтимоий қиёфаси нафақат иқтисодий барқарорлик, балки маънавий-ҳуқуқий соҳада эришаётган ютуқларда ҳам акс этади. Ҳар бир соҳа вакили нафақат профессионал кўрсаткичларга, балки юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши ҳам талаб этилмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ҳар бир фуқаронинг ижтимоий фаоллиги масаласида нафақат амалий чора-тадбирлар, балки бу соҳада илмий тадқиқотлар ўтказишга ҳам эҳтиёж борлиги кўзга ташланмоқда. Шахс ижтимоий фаоллигини оширишда ҳуқуқий маданият юксалишининг аҳамияти доминант омиллардан бирига айланмоқда.

Диссертациянинг «**Ҳуқуқий маданиятни тадқиқ этишнинг илмий-назарий, методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида “ҳуқуқий маданият” тушунчаси ва унинг эндоген хусусиятларининг фалсафий моҳияти, ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиш динамикаси, ички механизмлари, унга доир замонавий ёндашувлар, ҳуқуқдаги эндоген инновациялар ва ҳуқуқий маданиятнинг функционал таҳлили ўрганилган.

Ҳуқуқий маданият жамият маданиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, маданий тараққиётдаги умумий қонуниятларга бўйсунди. Маданиятнинг тарихий жараёнлардаги энг асосий илмий модели эволюционизм бўлиб, унинг асосчилари Г.Спенсер, Э.Тайлор, Л.Морган ҳисобланади. Эволюционистларнинг фикрига кўра, маданий тараққиётнинг асосий механизмлари унинг маданий ядросини ташкил этади. Уларга иқтисодиёт, сиёсат, меъерий тизимлар киради. Эволюционизм ғоялари жамият ва маданиятнинг динамикасини ўрганишда етакчи ўринни эгаллайди. Аммо ижтимоий маданий ҳаёт динамикаси эволюцион жараёнлар билан тугамайди. Маданият динамикасининг тўлқинсимон концепциялари ишлаб чиқилган. Бу концепциялар Н.Я.Данилевский, О.Шпенглер, А.Тойнби, П.А.Сорокин номлари билан боғлиқлиги тадқиқотчи томонидан таъкидланган. Шу билан бирга, тадқиқотда маданият динамикасини

ўрганишда диффузионистик, биологик, психологик, функционал, психоаналитик ва бошқа таракқиёт йўналишлари тадқиқ этилган бўлиб, ушбу йўналишлар ҳуқуқий маданият динамикасининг фалсафий таҳлилида муҳим ўрин эгаллайди. Диссертацияда маданият динамикаси концепциялари кўплигига қарамасдан, бу муаммо ҳозирга қадар мунозарали бўлиб қолаётганлиги, айниқса, уни ўрганишнинг услубий жиҳатлари долзарб масалага айланганлиги илмий асослаб берилган.

Ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий ва тарихий ҳодисалигига урғу берилган. Унинг ривожланиш қонуниятлари доимий тарзда маълум тарихий даврнинг индикатори бўлганлиги боис, унга қуйидагича ёндашув мисол тариқасида келтирилади: классик-антагонистик жамиятда ҳуқуқий маданият мураккаб тузилмага эга бўлиб, ҳуқуқий маданият билан бир қаторда ҳуқуқий қарашлар, унинг қарама-қарши синф ва ижтимоий гуруҳларини баҳолаши ҳам мавжуд бўлади. Тадқиқотда ҳуқуқий маданият турли синф, ижтимоий ва сиёсий гуруҳларнинг қарама-қаршиликлари ва кураши таъсири остида шаклланиши аниқланган.

Инсоният тарихининг дастлабки босқичларида инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзига хос ахлоқ қоидалари – моно меъёрлар билан тартибга солинган, улар ижтимоий ҳаётни ташкил қилиш меъёрлари, ахлоқий меъёрлар, диннинг органик бутунлигини ўзида акс эттирган ва авлоддан авлодга етказилган. Дастлабки ҳуқуқий ҳодисалар қадимги ҳуқуқий тажрибадан келиб чиққанлиги, бу ҳуқуқий маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатганлиги фалсафий таҳлил қилинган.

Бир қатор олимларнинг (хусусан, В.И.Каминский ва А.Р.Ратинов) ҳуқуқий маданият элементларига қуйидаги энг йирик маданий мажмуаларни киритганлиги тадқиқотда кузатилади: а) давлат буйруқларини акс эттирувчи меъёрлар тизими; б) ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизими; в) ҳуқуқий муассаса ва институтлар, ҳуқуқий назоратни таъминловчи, ҳуқуқни бошқарувчи ҳамда ижро этувчи давлат ва жамоат ташкилотлари тизими; г) ҳуқуқий ахлоқ; д) ҳуқуқни англаш, бунда ҳуқуқий фаолиятни ахлоқий акс эттириш тизимининг мавжудлиги.

Диссертацияда ҳуқуқий маданиятнинг генетик, функционал, мантикий ва психологик тузилмалари аниқланган. Биринчи тузилма алоҳида элементлар ва ҳуқуқий маданиятнинг алоқаси орқали очиб берилади, бунда сиёсий ва иқтисодий, маънавий ва ижтимоий, ахлоқий ва ташкилий, юридик ва жамият ҳаётининг бошқа шароитлари акс эттирилади. Иккинчи тузилма ҳуқуқий маданиятнинг ҳар бир элементлари сифати ва фаолият самарадорлигини кўрсатади, шунингдек, унинг турли элементлари ўртасидаги функционал алоқалар ва фаолият усулларини кўрсатади. Учинчи тузилма ҳуқуқий маданиятнинг элементлари ва тизимлари, мазмуни ва шаклининг ўзаро алоқасини акс эттириш имконини беради. Тўртинчи тузилма ички хусусиятни анча батафсил ва ҳолат жиҳатдан очиш, фикрлаш фаолиятининг таҳлилий, интуитив, назарий ва амалий элементлари муносабатини тадқиқ қилиш имконини беради.

Тадқиқотда ҳуқуқий маданиятнинг эндоген хусусиятлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ таркибий қисм (элемент)лардан иборатлиги аниқланган ва улар қуйидагича таснифланган:

- фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари ва уларни қўллаш маҳорати ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ва қонун доирасида ҳаракат қилишига тайёр эканлиги билан ўз ифодасини топадиган ҳуқуқий фаоллиги;

- қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукамаллиги, сифати, асосланганлиги ва уйғунлиги билан ифодаланадиган қонун ижодкорлиги фаолияти;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётининг сифати, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларга риоя қилишлари билан ифодаланадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг фаолияти;

- суд-ҳуқуқ соҳасида муаммоларни тадқиқ қилиш ва уларни олдиндан аниқлашга ҳамда жамиятнинг замонавий талабларига мос бўлган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилган юридик фан;

- ижтимоий-ҳуқуқий тажриба ва бошқалар асосида ҳуқуқий кўрсатмаларни қабул қилиш, шарҳлаш, қўллаш бўйича юридик амалиёт.

Тадқиқотда «ҳуқуқий маданият» тушунчаси ва унинг эндоген хусусиятларининг мазмун-моҳияти давр тақозоси билан ўзгариб, ривожланиб борганлиги, шахс ҳуқуқий маданиятининг юксалиб бориши натижасида унинг ижтимоий фаоллиги ҳам ошиб бориши илмий таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Ҳуқуқий маданият инновацион эндоген хусусиятларининг шахс ижтимоий фаоллиги билан трансформациялашуви»** деб номланган иккинчи бобда ҳуқуқий маданият инновацион эндоген хусусиятларининг фалсафий моҳияти ва шахс ижтимоий фаоллиги билан диалектик алоқадорлиги, шахс ҳуқуқий маданиятининг юксалиши унинг ижтимоий фаоллиги ошишида намоён бўлиши, ёки аксинча, шахс ижтимоий фаоллик даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ҳуқуқий онги шунчалик юксалиб ҳуқуқий маданияти ошиб боришида ўз аксини топиши фалсафий тадқиқ этилган.

Ушбу бобда ижтимоий фаоллик шахснинг ҳаётдаги ўрнини белгиловчи омилларидан бири эканлиги илмий асослаб берилган. Ижтимоий фаоллик орқали инсоннинг шахсий позицияси, жамиятнинг ривожини учун ўз ҳиссасини қўшишга интилиши, шахсий фаолияти намоён бўлади. Ижтимоий фаоллик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у кўпроқ вазиятга, шахсий мотивацияга йўналтирилган ижтимоий деактивлик билан пайдо бўлади ва ёнма-ён мавжуддир. Мазкур бобда ижтимоий фаоллик меъёр, шахс ва меъёр, шахснинг самарали фаолияти ва ижод самараси даражаларида бўлиши мумкинлиги очиб берилган. Ташаббускорлик фаолияти ва уддабуронлик ижтимоий фаоллик таҳлилининг бирликлари сифатида илмий таҳлил этилган.

Бобда ҳуқуқий маданият инновацион эндоген хусусиятларининг намоён бўлиши қуйидагича таснифланган: 1) ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш механизмини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш; 2) ҳуқуқий тизимни

тартибга солиш шароитларини яратиш ҳамда ҳуқуқий ривожланишни маъмурий бошқариш; 3) ҳуқуқнинг маданий-тарихий кўринишларини сақлаш, уни бошқа ҳуқуқ элементлари билан ўхшашлигидан сақлаш; 4) қонунчилик ташаббусларига шароит яратиш ва реал ижтимоий муносабатларга эътибор қаратиш; 5) ҳуқуқда ўз вақтида амалдан қолган, йўқолиб кетган, ҳуқуқ томонидан қабул қилинмаган ҳуқуқий элементларни рағбатлантириш.

Шахс ижтимоий фаоллигини шакллантириш жараёнини бошқариш ҳозирги замон фалсафа фанидаги энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Мазкур бобда уни ривожлантиришнинг асосий омиллари, шахс ижтимоий фаоллигини рефлексив бошқаришни амалга ошириш, ижтимоий фаолликни шакллантириш жараёнида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг усуллари ишлаб чиқилган.

Шахс сифатида инсоннинг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, шунга мувофиқ равишда унинг хатти-ҳаракати деактивликдан фарқли ўлароқ, жамият мақсадлари, вазифалари, истак-хоҳишлари, талабларига мувофиқ ўзгариб боради, бунда фаоллик шахс ва унинг фаолияти сифатини ташкил этувчи тизим сифатида етакчилик касб эта бошлайди.

Фанда инсон фаоллиги деактивлик тамойилига нисбатан қарама-қарши бўлган муҳим услубий тамойил сифатида намоён бўлади. Бу ҳаётнинг барча ҳаракатларини нафақат мослашувчанлик сифатида, балки борликни ўзгартирувчи сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Ушбу тамойилнинг кўлланилиши уни «инсон – жамият» умумлашган тизимида кўриб чиққан ҳолда ижтимоий фаолликнинг ижодий, ўзгартириб юборувчи табиатини очиш имконини беради. Шу билан биргаликда, ушбу тамойил руҳий ҳодиса сифатида деактивликни инкор этмайди: бу ерда фақат фаоллик ва деактивликнинг ўзига хослигини тўғри белгилаш муҳим ҳисобланади.

Ҳар бир ҳолатда фаоллик ва деактивлик ўзига хосликни касб этиб боради, бу орқали инсон руҳияти мураккаб, кўп даражали ҳосиласи сифатида тавсифланади.

Фаоллик ва деактивлик ўз фаолиятининг мазмуни, унинг асослари ва аҳамиятига боғлиқ бўлмаган хатти-ҳаракатнинг расмий жиҳатдан динамик тавсифномалари сифатида намоён бўлади. Деактивлик асосан мослашувчанлик, адаптив функцияларни бажаради, фаоллик эса қай бир маънода вазиятни мослаштириш, уни индивидга бўйсундиришга қаратилган бўлади.

Ижтимоий фаоллик остида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифани қабул қилиш, қайта қуриш ёки янгидан изоҳлаш билан боғлиқ хулқ-атвор усуллари ва ҳаракатларини тушуниш керак бўлади. Натижада ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг моҳияти англаб етилади, у билан шахснинг ўз «мени»ни боғлаш жараёни ўтиб боради, субъектнинг нуқтаи назарини ифода этадиган ички мотивация устунлик қилади. Натижада шахс муайян мажбуриятларни ўз бўйнига олади, масъулият субъектига айланади ва муҳим натижаларга эришади. Ижтимоий индивиддан шахсгача «юксалиш» рўй бера

бошлаши билан ташаббускор ҳаракат ва натижаларнинг ижтимоий аҳамияти ортиб боради.

Диссертацияда ижтимоий фаолликнинг намоён бўлиш даражалари аниқланган. Индивиднинг ижтимоий фаоллик ва деактивликлигини *меъёр даражасига* таъриф берилган. Бу ўрин фаоллик ва деактивликнинг улуши бир хил бўлиши асослаб берилган.

Шахс ва фаоллик меъёр даражаси инсонни бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий индивид сифатида, ҳам шахс сифатида тавсифлаб бериш имконини беради. Бу ерда деактивлик улушининг камайиши ва фаолликнинг ошиши кузатилади.

Шахснинг самарали фаолияти даражаси инсоннинг шахс сифатидаги хулқ-атворини мос равишда ўзида акс эттиради. Бунда деактивлик улушини камайиши ва фаолликнинг ошиши кузатилади.

Ижтимоий фаолликнинг моҳияти ташаббускорлик фаолияти ва «уддабуронлик» тушунчаси орқали очиб берилади, сабаби улар ўзида ижтимоий фаолликнинг асосий хусусиятларини ифода этади.

Ташаббускорлик фаолияти ва уддабуронлик ижтимоий фаолликни таҳлил қилишнинг асосий бирликлари сифатида унинг тузилмасига кириб бориш имконини беради, уни тадқиқ қилиш эса етарли ахборотни олиш имкониятини яратади.

«Ташаббус» атамаси остида инсоннинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида мустақил иштироки тушунилади, бунда у мустақил равишда муайян вазифани ҳал қилишни ўз зиммасига олади, уни ҳаётга татбиқ этувчи фаол йўл бошловчиси сифатида намоён бўлади.

Диссертацияда ижтимоий ташаббускорлик фаолиятининг миқдорий-сифат кўрсаткичлари қуйидагича таснифланган:

ташаббускор фаолият кўрсатишнинг мотивацион компоненти. Бунда инсонни ташаббус кўрсатишга ундайдиган муайян асосларни таҳлил қилиш асосида хулосалар қилинади;

ташаббускор фаолиятнинг сифати ва ижтимоий аҳамияти. Ушбу параметр ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга киришган шахснинг қандай мақсадларни амалга оширишга хизмат қила олиши мумкинлиги тавсифланади;

ташаббускор фаолиятнинг йўналганлиги. Бу икки хил нуқтаи назардан тавсифланади: инсон ўз ташаббусларини кўпроқ намоён этадиган соҳалар ҳамда ташаббуснинг тури ва унинг муайян йўналганлиги нуқтаи назаридан баҳоланади;

ташаббускор фаолиятнинг қатъий ёки қатъий эмаслиги. Ташаббускор фаолиятни изоҳлашдаги аниқлик ва асослилиги;

ташаббускор фаолият олиб бориш учун масъулиятни ўз зиммасига олиш чоралари. Ўзини бурчли деб ҳисоблаш;

ташаббускор фаолиятнинг барқарорлиги. Инсоннинг ташаббусни тасдиқлай олиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш лаёқати.

Ташаббускорликнинг даражаси. Бу шахснинг кўрсатаётган ташаббускор фаолиятга жалб этилиши даражасини белгилайди.

Уддабуронлик фаолияти қуйидаги параметрлар бўйича туркумланади:

- Мақсад ва вазифаларни қабул қилиш.
- Ижро қилишнинг масъулияти.
- Ижро этишнинг изчиллиги.
- Ижро этишнинг мос усуллари танлаш.
- Ижро этишнинг барқарорлиги.
- Ижро этишнинг жадаллиги ва изчиллиги.
- Ижро этишнинг самарадорлиги.
- Уддабуронликнинг даражаси.

Ижтимоий фаоллик тузилмаси қуйидаги таркибий қисмларга ажратиб таҳлил қилинган:

- шакли бўйича: профессионал, непрофессионал;
- турлари бўйича: меҳнат, сиёсий, билиш;
- йўналиши бўйича: яққа ва жамоавий;
- мазмуни бўйича: билиш, аксиологик, меҳнат, жамоавий-фуқаровий, коммуникатив, маърифий, бадий-ижодий ва фаолиятнинг бошқа турлари.

Ижтимоий фаолликни намоён қилган шахс қуйидаги жиҳатларни намоён этади:

шахсий жиҳат – эҳтиёжларда, манфаатларда, мотивларда, шахсий сифатларда, ижтимоий муҳитга муносабатда акс этади (шахс фаоллиги); шунингдек, ҳар қандай ижтимоий гуруҳ, жамоа ёки бошқа умумийлик ижтимоий фаоллик ташувчиси бўлиб намоён бўлиши мумкин;

ижтимоий жиҳат – ижтимоий билим ва кўникмаларни, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга фаолият тажрибасини бойитишда ифодаланади; шахснинг фаоллиги ижтимоий алоқаларнинг ҳажми билан аниқланади, уларнинг воситасида ижтимоий билиш, мулоқот, ўзаро алоқа жараёнида шахс жадалроқ ривожланади, иждодий потенциални рўёбга чиқаради, ижтимоий ва маданий бойликларни ўзлаштиради.

Ижтимоий фаолликнинг асосий компонентлари:

- ҳар хил турларда амалга ошириладиган ва унинг фаоллигини аниқлайдиган фаолиятга эҳтиёж;

- оқилона ва эмоционал асосни интеграция қилувчи таълимни ўзида ифодалайдиган манфаатлар;

- инсоннинг ижтимоий ҳодисаларига йўналганлиги, шунингдек, унинг ҳаракатларининг мотивлари ва унга масъулиятли ёндашув.

Диссертациянинг «**Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясида ҳуқуқий маданият эндоген хусусиятларининг шахс ижтимоий фаоллиги билан уйғунлиги**» номли учинчи бобида тараққиётнинг янги босқичида мамлакатимизда ҳуқуқий маданият ва шахс ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ туб ислохотларнинг мазмуни, шахс ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий маданият интеграциясининг мамлакатимиз ривожига тутган ўрни ва аҳамияти илмий-фалсафий тадқиқ этилган.

Хусусан, демократик ислохотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ва маданиятига боғлиқлиги, бунда аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, қонунларга ҳурмат муносабатида бўлишини, унинг конституцион ҳуқуқларини англашини, Ватан тақдирига, мамлакат ва дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси билан қарашини шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланиши келтириб ўтилган. Жамият ҳуқуқий маданиятининг юқори даражада бўлиши аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини, унинг белгилаб олинган мақсадларга муваффақиятли эришишга қизиқиши ва масъулиятини, юз бераётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси ошишига ёрдам бериши, муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг иштирокини жиддий кенгайтирганлиги илмий асосланган.

Замонавий давлатнинг баъзи жиҳатлари, яъни жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнларини изчил олиб бориш, долзарб муаммолар аҳоли билан очиқ муҳокама қилиниб, уларнинг ечимини топишга эришиш, барча қарорларни халқнинг фикр-мулоҳаза ва мурожаатлари асосида қабул қилиш ислохотларнинг тез ва самарали амалга ошишининг муҳим механизми эканлиги аниқланган.

Шунингдек, мазкур бобда шахс инновацион фаоллиги жамият тараққиётининг муҳим омили сифатида фалсафий таҳлил этилган.

Тадқиқотчилар (хусусан, А. К. Абульханова-Славская)нинг фикрига кўра, фаоллик фаолиятни (унинг мотивлари, мақсадлари, хоҳлаши ёки хоҳламаслиги) амалга ошириш механизмини белгилайди, яъни инсоннинг «мудраб ётган салоҳиятларини» рўёбга чиқариш манбаси, ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Шахснинг инновацион фаоллиги - шахснинг инновацион салоҳиятини уйғотиш манбасидир, шу билан бирга, фаолиятда шахснинг ижтимоий-психологик муносабатларининг манбаси сифатида намоён бўлади. Шахснинг инновацион фаоллиги, шунчаки атрофдаги борлиқнинг эмас, балки моҳияти ва мазмуни жиҳатидан анъанавийликка мос келмайдиган, янги яратилган реалликни акс эттириш асосида шаклланади.

Мазкур бобда Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқий маданиятнинг қуйидаги умумий хусусиятлари очиқ берилган:

алоҳида олинган шахс манфаатларининг давлат ва жамият манфаатларига ҳамоҳанглиги;

ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи аҳамиятга молик ролининг эътироф этилиши;

ҳокимиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиш анъанасининг мавжудлиги, раҳбарларнинг маънавий даражасига юқори талаб қўйиш;

парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги ролига эътиборли муносабатнинг мавжудлиги;

деярли барча сиёсий партиялар вакилларига хос бўлган хислат - ўз ғоя ва тамойилларининг тўғрилигига қатъий ишонч.

Шахс ҳуқуқий маданиятининг ошиб бориши унинг ижтимоий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар доимо диалектик

алоқадорликда бўлади. Ҳуқуқий маданият ижтимоий фаолликни тақозо этади. Ўз навбатида, ижтимоий фаоллик ҳуқуқий маданиятнинг ошиши билан боғлиқ ҳолда ривожланади.

ХУЛОСА

«Ҳуқуқий маданият эндоген хусусиятларининг шахс ижтимоий фаоллигига таъсири» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ҳуқуқий маданият умумий маданият каби ривожланиш қонуниятларига эга. Шунингдек, уни генетик, функционал, мантиқий ва психологик тузилмаларга ажратиш мумкин. Биринчи тузилма алоҳида элементлар ва ҳуқуқий маданиятнинг алоқаси орқали очиб берилади, бунда сиёсий ва иқтисодий, маънавий ва ижтимоий, ахлоқий ва ташкилий, юридик ва жамият ҳаётининг бошқа соҳалари акс эттирилади. Иккинчи тузилма ҳуқуқий маданиятнинг турли элементлари ўртасидаги функционал алоқалар ва фаолият усулларини кўрсатади. Учинчи тузилма ҳуқуқий маданиятнинг элементлари ва тизимлари, мазмуни ва шаклининг ўзаро алоқасини акс эттириш имконини беради. Тўртинчи тузилма ички хусусиятни батафсил ёритиш, фикрлаш фаолиятининг таҳлилий, интуитив, назарий ва амалий элементлари муносабатини тадқиқ қилиш имконини беради.

2. Ҳуқуқий маданият қарор топишини таҳлиллар асосида қуйидаги таркибий компонентларга ажратиш мумкин: ҳуқуқ, ҳуқуқни англаш, ҳуқуқий фаолият ва жамиятнинг ҳуқуқий маданият даражаси. Шунингдек, замонавий ҳуқуқий маданият - энг аввало, авлодлар тажрибаси ёрдамида олинган ҳуқуқий кадриятлар, ҳуқуқий билимларнинг жамият маданий ривожини билан интеграциялашувидир.

3. Ҳуқуқий маданиятнинг эндоген хусусиятлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ қуйидаги таркибий қисм (элемент)лардан иборат: фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари ва уларни қўллаш маҳорати ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ва қонун доирасида ҳаракат қилишига тайёр эканлиги билан ўз ифодасини топадиган ҳуқуқий фаоллиги; қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукамаллиги, сифати, асосланганлиги ва уйғунлиги билан ифодаланадиган қонун ижодкорлиги фаолияти; ҳуқуқни қўллаш амалиётининг сифати, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларга риоя қилишлари билан ифодаланадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг фаолияти; суд-ҳуқуқ соҳасидаги муаммоларни тадқиқ қилиш ва уларни олдиндан аниқлаш ҳамда жамиятнинг замонавий талабларига мос бўлган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилган юридик фан; ижтимоий-ҳуқуқий тажриба ва бошқалар асосида ҳуқуқий кўрсатмаларни қабул қилиш, шарҳлаш, қўллаш бўйича юридик амалиёт.

4. Ижтимоий фаоллик жамият томонидан белгилаб берилган билимлар, кўникмалар, одатлар, хатти-ҳаракатларнинг меъёрлари ва қоидалари, мулоқот тизимини ўзлаштириш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш иқтидори билан

тавсифланади. Ижтимоий деактивлик эса мақсад ва бажарилаётган ҳаракатларнинг мазмунини етарлича англай олмаслик билан тавсифланиб, эски тажриба, йўл-йўриқ, кўрсатмалар билан боғлиқ бўлади.

5. Шахснинг инновацион фаоллиги –шахснинг инновацион салоҳиятини уйғотиш манбасидир, яъни фаолият жараёнида шахснинг ижтимоий-психологик муносабатларни тўла англаб етганини англатади. Инновацион фаоллик шахс инновацион салоҳиятининг ресурс қисми, яъни салоҳиятни (захира сифатида) имкониятга айлантириш барқарорлигини тавсифлайдиган ўзига хос психологик тайёрлик ҳолати ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МАМАТЮСУПОВ БУНЁДБЕК УЛУҒБЕКОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ ЭНДОГЕННЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ПРАВОВОЙ
КУЛЬТУРЫ НА СОЦИАЛЬНУЮ АКТИВНОСТЬ ЛИЧНОСТИ**

**09.00.02 – Философия форм сознания, культуры и практики
(философия культуры и культуроведение)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PHD/Fal81.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fs-ik.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet»(www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Нурматова Мукаррам Ахмедовна
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мухтаров Азамат
доктор философских наук, профессор

Бердикулов Сирожжон Насипкулович
доктор философских наук

Ведущая организация:

**Военно-технический институт
Национальной гвардии Республики
Узбекистан**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 1000174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Здание факультета социальных наук Национального университета Узбекистана. Тел.:(+99871)227-12-24; факс: (+99871)246-53-21; (+99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано за № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (+99871) 236-46-55, факс: (+99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года)

И.Р.Хўжамуродов,
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н. профессор

Н.Б.Абдуллаева,
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней

Н.А.Шермухамедова,
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Происходящие в настоящее время в мире сложные изменения требуют защиты прав человека и обеспечения законности. Поэтому в развитых странах уделяется особое внимание процессам правового образования и воспитания. В частности, в странах Западной Европы, Восточной Азии, в Соединенных Штатах Америки и в других странах правовая культура прививается учащимся уже со школьных лет.

В мире есть несколько научно-исследовательских институтов, таких как UNRISD (Социально исследовательский институт развития), ERIS (Европейский исследовательский институт), которые проводят мониторинг уровня правовой культуры человечества, научно-практические исследования по улучшению механизмов правовой культуры и взаимосвязи между правовым сознанием и правовой культурой. Эти исследования выполняет задачи научно-теоретических и методологических основ вопросов разработки критерий возвышения правовой культуры, изучения его влияния на социальную и инновационную активность личности, а также создания общеправовых критерий защиты прав человека.

«В настоящее время в нашей широкоформатные реформы заложили прочный фундамент национальной государственности и суверенитета, обеспечения безопасности и правопорядка, неприкосновенности государственных границ, верховенства закона, прав и свобод человека, межнационального согласия и религиозной толерантности в обществе, создали достойные условия жизни для населения и реализации созидательного потенциала граждан»¹. В частности, сформирована новая система по повышению правовой культуры граждан, оправдали себя как основа этой системы Народные приемные и Виртуальный кабинет Президента Республики Узбекистан. Кроме этого, с целью установления правовой духовности был создан Исследовательский институт правовой политики. Исходя из этих целей современные реформы являются важным показателем гражданского общества.

Данное диссертационное исследование служит в определенной степени осуществлению задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2016 года «О мерах по дальнейшему реформированию судебной системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан», от 13 апреля 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов и учреждений юстиции в реализации государственной правовой политики», Постановлениях № 2833 от 14 марта 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию

¹ Указ Президента РУз «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Т.; Адолат, 2017 г. стр.3.

системы профилактики правонарушений и борьбы с преступностью», от 12 апреля 2017 года «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов внутренних дел», Законе «О распространении правовой информации и обеспечении его использования» от 7 сентября 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах относящихся к теме.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике I «Исследование в процессе реформирования и модернизации общества национальных, литературных, исторических и религиозных ценностей, национальной идеи, эстетическо-художественного воспитания, искусства, материального и нематериального культурного наследия, истории национальной государственности».

Степень изученности проблемы. В произведениях таких крупных западных деятелей, как греческие философы Аристотель, Демокрит, Цицерон, Гегель, Иммануил Кант, Джон Локк, Шарль Луи Монтескье, Жан Жак Руссо, встречается относящаяся к теме научная дискуссия.² В этих взглядах подчеркивается формирование правовой культуры людей которая служит нормой политических отношений между людьми, сформированных на основе критериев справедливости.

Французский просветитель Жан Жак Руссо продвигал научный подход о правовой культуре и законах. Он оценивал свободу и равенство как основное условие повышения правовой культуры. «Если сила вещей всегда стремится уничтожить равенство, то сила законов всегда должна сохранять его»³.

Крупные просветители Востока такие, как Абу Наср Фараби, Мусо аль-Харазми, Абу Райхан аль-Бируни, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Имам аль-Бухари, ат-Термизий, Ахмад Яссавий, Мирзо Улугбек, Абдурахман Жомий, Алишер Наваи, Боборахим Машраб, Мирзо Бедил, Махтумкули, Абай, Махмудхужа Бехбудий, Абдулла Авлони, Ахмад Дониш, отдельно останавливались на вопросах права, справедливости и покорности законам.⁴

Аспекты правовой культуры, относящиеся к предмету правоведения, были проанализированы учеными-правоведами нашей страны такими, как А.А.Азизходжаев, С.М.Адилходжаева, Ҳ.Б.Бобоев, Ш.И.Жалилов, З.М.Исломов, Х.Т.Одилқориев, А.Х.Саидов, У.Таджиханов, О.Т.Хусанов и др.;⁵ а философские аспекты - учеными-философами нашей страны такими, как А.Жалолов, О.П.Умрзокова, Х.О.Шайхова, Х.П.Пулатов, Б.О.Тураев, Э.Юсупов, Ж.Туленов, М.Нурматова, А.К.Кодиров, С.Д.Норкулов, Ф.Мусаев, Ж.Мавлонов⁶.

Теоретические вопросы, относящиеся к философско-правовым

^{2 3 4 5 6} Данные произведения авторов указаны в части «Список использованной литературы» диссертации.

